

Бугунги шиддатли давр оммавий ахборот воситалари олдига ўзига хос ва ўзига мос, биз илгари ҳаётимизда дуч келмаган машаққатли, шу билан бирга шарафли вазифаларни қўймоқда.

Ислон КАРИМОВ

27 ИЮНЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



ЭЪЗОМ

Унга толе
Жилвагар...

Академик Гафур Гуломдек аллома шоирга мирзолик қилган журналистни биласизми? Биргина «Умидага етганда юлдузи сўнган Умида», «Музлаган юрак» мақолаларига муштарийлардан тўрт мингдан зиёд хат олган муаллифимизчи? Яхши умидлар билан тўй-туркумга таклиф этган одамларнинг тўй дастурхонига чорловчи таклифномаларини қирқ йилдан бери кўз қорачигидек сақлаб, авайлаб-асраб келаётган хокисор инсоннинг кимлигини? Албатта, бу киши Солиҳ Ёқубов бўлади.

Ўрта мактабни олтин нишон билан битириб, ўзининг меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Телеграф агентлигига (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги) дастёрликдан бошлаган Солиҳ Ёқубов ўз даврининг мохир ва машҳур адиблари, журналист ва таржимонлар Рихси Саҳиббоев, Насибуллага Хабибуллоев, Шербек Алиев, Яхё Йўлдошев, Усмон Япиев, Тошқин Мўминов, Турғун Пулат, Илхом Фозилов, Собит Тоиров, Абдусамид Обид-хўжаев, Ёқуб Иброҳимов сингари устозлар ижодидан баҳраманд бўлди, улардан иш усуллари, журналистика сирларини ўрганди.

— Уша йиллар мен учун ҳақиқий ижод мактаби бўлди, — деб аслайди Солиҳ ака. — Яъни Шайх Саъдий тили билан айтганда:

Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шундан
топарсан.

Ҳаёт йўлида яхшиларга эргашиб кам бўлмадим. Шунинг учун мен юқорида номлари зикр этилган устозларим ҳақида гап борганда ҳаммаша уларни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан.

Бугун 43 йиллик умрини ижодга бағишлаган 40 йиллик кадрдон дўстим, ҳамкасбим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, мохир ва истеъдодли журналист Солиҳ Ёқубов ҳақида ўйланганимда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг:

Дўст билан оבוד унинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст кадам қўймас эса,
Вайронадур қошна ҳам,

деган шеърий мисралари ёдимга тушаверади. Зеро, дўст ҳақида бундан ошириб сўз айтиб бўлмас керак.

Солиҳ Ёқубов билан аслида биз 40 йил олдин — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидега (собиқ Тошқент Давлат университети) тахсил олаётган талабалик даврларидеяк танишган эдик. Гарчи олдинма кейинги курсларда ўқиб, талабалик гаштини суриб, пахта терими ва жамоат ишларида бирга қатнашган бўлсакда, бир-биримиз билан бизни асосан «Оқшом» бирлаштириб, яқиндан дўстлаштирдик.

...Биринчи кун, биринчи учрашув сира ёдимдан қаймади. Ушанда мендан анча олдинроқ ушбу тахририятда иш бошлаган Солиҳ ака каминани табриклиб шундай деган эди:

— Сафимизга қўшилганингиз кутлуг бўлсин.

Бу муқаддас даргоҳ. Ҳозир «Оқшом»да ишлашни оруз қилмаган, унда бирон бир материали ёритилишини истамаган адиб ёки журналист камдан-кам топилади. Шундай бахт сиз билан бизга насиб этган экан, шунга яраша хизмат қилишимиз керак.

Солиҳ ака ҳақ эди. Ушанда чиндан ҳам тахририятда алга танилган, муштарийлар меҳрини қозонган Саъдулла Кароматов, Ўткир Хошимов, Максим Каримов, Тўлқин Расулов, Усмон Юсупов, Машъал Ҳақимов, Тўхтамурад Тошев, Насриддин Мухаммадиев сингари забардаст ёзувчи ва журналистларини ишларди.

Умр ўткинчи. Не-не синовларга бардош бердик. Яхши кунларнинг ҳам, оғрикли ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Йиллар шу тарихга ўтаверди. Бу даврда қанча-қанча жойларга, маоши каттароқ ишларга ҳам таклиф этилди. Кўнмадик. «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақлга амал қилдик.

Қолаверса, «Тошқент оқшоми» газетаси тахририятини ўзимиз учун энг азиз, кутлуг ва муқаддас даргоҳ деб билдик. Мана орадан шунча йиллар ўтибдики, ҳамоно сеvimли тахририятимизда ишлаб келяпмиз. Шу тахририятдаги ўттиз беш йиллик фаолиятининг салкам ўттиз йилини Солиҳ ака бош муҳаррир ўринбосари вазифасида, камина эса адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида ўтказяпмиз. Йиллар Солиҳ акани фидойи инсон, дилкаш дўст, яхши оила сарбони, журналистик касбига меҳрли мураббий сифатида танидик.

...Ушанда мен қисқа муддатли таътилда эдим. Бирдан ўйдаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам Солиҳ ака тушкун кайфиятда саломлашди.

— Нима гап, тинчликми ўзи? — дедим унинг одатини беш қўлдек билганим учун хавотирланиб.

— Дунёнинг ишларини қаранг, — деди Солиҳ ака оғир оҳангда. Гап шукки, дўстимиз Ҳамиджон Икромовни бериб қўйдик.

— Қачон? — сўрадим бу гапдан даҳшатга тушиб.

— Кеча дафн этиб келдик.

Алоқа узилди. Билмадим, Солиҳ ака ўпкаси тўйиб бу ёғини давом эттирма олмайди ёки бирор сабабми, билмадим, алоқа тўсатдан узилди. Қайта кўнмироқ бўлишимни кутдим. Телефон бошқа жирингламади.



Эртасига эрталаб уйдан телефон бўлди. Билсам 40 йиллик дўстидан жудодлик Солиҳ ака руҳиятига ёмон тавсир этибди...

...Шундан кейин Солиҳ акани уйига ҳамкасблар билан кўргани борганимизда хол-аҳвол сўраб сўрашишга улгурмай яна Ҳамид акадан сўз очди:

— Дўстимиз анча ёш кетди, оиласига жабр бўлди.

Бу қадрдон дўстга чин садоқат намунаси эди...

Донишманднинг:
Ким гаминга шерик бўлмас,
У сени ҳеч севган эмас,
деган сўзи худди Солиҳ ака учун айтилгандек...

Юқасак касб маҳорати, кенг тафаккур ва қобилият, одамлар билан муомала қилиш борасида табиат ато этган ширинсуханлик хислатлари билан ҳурмат ва эътиборга, эъзога мушараф бўлган Солиҳ Ёқубов минг йиллаб, бир кесадиган инсон. Бирор ишга қўл уришдан олдин роса мушоҳада юритиб, кейин хулоса чиқаради. У ҳаммаша тарозунинг шайинини баб-баравар олиб юришга ҳаракат қилади. У шунга одатланган. Ўзгалар меҳнатининг кадр-қимматини ўзиникидан устун қўйди...

Солиҳ Ёқубовнинг яна бир фазилати у ҳеч қачон нимадир сабаб билан бировлардан асло ўқинмайди. «Тошқент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари сифатида бирон иш юзасидан ходимлари билан баҳс-лавашади, лекин улар билан орада ҳеч нарса бўлмагандек гаплашиб кетаверади. Баъзан бирон сабаб билан асабларинингизни жижовлай олмайдик қолсангиз у юмшоқлик ва мулойимлик билан қулиб:

«Ҳаяжонланманг, азизим», дейди сизга тасалли бериб. Кейин жўяли, ширин сўзлар билан кайфиятингизни кўтариб юборади. Шу одатидан бўлса керак у ҳазрат Навоийнинг мана бу сўзларини тез-тез қайтариб туради:

Хар кимки чўчүк сўз элга
изҳор айлар,
Хар нечаки ағёр дурӯр ёр айлар,
Сўз қаттиги эл қўнғлига озор айлар,
Юмшоғи қўнғилларни
ғирифтор айлар.

Солиҳ ака «Оқшом» газеталарини жон дилдан севади, унинг шу кунгача чиққан тўққиз минг беш оқ етмиш сонидега чоп этилган мақолаларда қалб қўри борлигидан, бу мақолаларга кўз нури

синганлигидан фахрланиб қўяди. Бутун умрини журналистикага бағишлаганиданми, газетачиликнинг оғир-меҳнатини жуда ҳам қадрлаганиданми, агар бирор киши (у ким бўлишидан қатъи назар) қўлидаги газетани буқлаб олган ёки гижимлаб турган бўлса, беозорлик билан уни қойибди...

— Кимки газетани қадрламабди, журналистининг қадрига етмабди, — дейди Солиҳ ака.

Солиҳ Ёқубовнинг азукко, сезгир, одамлар билан қарашдан кайфиятини тушуниб оладиган ноёб қобилияти бор. Унинг бу хислатига биз ҳамкасблар ҳаммаша қўйил қоламиз. Шу ўринда бир ривоят келтирсак фикримиз янада аниқ ва равшан бўлиб қолади.

Бир йўловчи эрталаб йўлда кетатүриб рўпарасидан келган бир нуруний чолга салом-алиқ қилибди-да, сўнг сўзсиз унга кўрсатқич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Отахон эса унга жавобан тилини кўрсатибди. Йўловчи ўтиб кетгач воқеани кузатиб турган одамлар отахондан бу имо-ишоранинг таърифини сўраганида у:

— Йўловчи «Бошга балони нима келтиради?» деб сўраб эрди, мен унга: «Тил» деб жавоб бердим, — деган экан.

Бу ўринда топқирлик ҳақидаги юқоридаги ривоятга ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмас керак...

Биз ушбу мақолада дўстимиз, ҳамкасбимиз Солиҳ Ёқубов умр мазмуни китобидан бир саҳифасининггина арақладик, холос. Бу китобга росмана назар ташласангиз, шубҳасиз ўнда Солиҳ Ёқубов ҳаётининг кўплаб ёрқин саҳифаларига дуч келасиз. Биз эса ошириб-тоширишдан қочиб бу инсоннинг ўзига ҳоқ камтарона йўлдан бордик. Ва Солиҳ Ёқубовнинг фельяга жуда ҳам мос бўлган шоирнинг қўлидаги сатрлари билан у ҳақидаги дил изҳоримизга яқун ясашни лозим топдик:

Бахт ситилмас ва кимки агар,
Тер тўқшига бўлбас молик —
Шунда толе бўлур жилвагар,
Шунда шодлик қилур ошнолик.

Ҳа, ҳалол ва фидойиларча меҳнат орасидан бахт топиб Солиҳ Ёқубовга хос бўлган фазилатидир...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов рафикаси Рихсикхон билан неваралари даврасида.

Сергей Любич олган сурат.

Ёруғ кунлар
қадри



Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни қанчалик тезкор, ҳаққоний ёритишда, одамлар қалбига истиклол гоғларини синдиришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни бе-ниҳоя салмоқлидир. Бизнинг Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Тошқент шаҳар бўлимининг директори, кўни кеча ўзининг эллигини баҳорини нишонлаган Абдулла Сулаймонхўжаев билан мулоқотимиз жамғарма шаҳар бўлимининг амалга ошираётган ишлари хусусида бўлди.

Хар иккала газета ўз ўқувчиларининг қизиқишларини ҳисобга олаётди. Уларда спортга оид хабарларни ҳам, соғлиқни сақлашга оид маслаҳатларни ҳам топа оласиз.

Кийинчиликларга қарамаддан «Авиасоз» — «Авиастроитель» Тошқент самолётсозлик заводи кўпнинг кишилик жамоасининг сеvimли газетаси бўлиб қолмоқда. «Сафарнома» — Берлин авиасалонидан хабарлар, «Учувчилар парвозга отлангилар», «Цехлардан дарақлар» каби рўнқлар остида эълон қилинаётган хилма-хил хабар ва мақолалар қизиқиб қўлади.

Шаҳримиз ўқув юртиларида ҳам кўпгина газеталар чоп этиляпти. Улар орасида «Тошқент университети», «Автоўчили», «Шифокор», «Мазрифат йўли» ва бошқа газеталар фақат ўқув жараёнида, ишлаб чиқариш тахрирасида содир бўлаётган воқеалар ҳақидагина эмас, балки талабаларнинг қизиқувчилари, ўқитувчиларнинг изланишлари, олимларнинг илмий ижоди ҳақида ҳам ҳикоя қилиб борапти. Энг асосийси — бу кўп нухсали газеталар камолга етиб келаётган авлод дунёқарашини шакллантириш, улар ўз Ватанларининг чин ватанпарвари бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутмоқда.

— Абдулла Самогович! Кейинги пайтларда журналист кадрлар малағасида ҳам кўп фикрлар билдириляпти. Шу ўринда сизнинг шу хусусдаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Дарҳақиқат, жуда тўғри айтдингиз. Журналист кадрларни тайёрлаш долзарб бўлиб турибди. Муस्ताқиллик йилларида оммавий ахборот воситаларига қўллаб-қувватлаш ишлари келдики, уларга журналистиканинг фахрийларининг устозлиги ниҳоятда зарур. Афсуски, кўпгина тахририятларда фаол жамоачи муҳбирлар билан ишлаш унутиб қўйилди. Модомики улар малакали журналистлар тайёрлаш учун ишончли неғиз бўлиб келган. Чамаси, кўп нухсали газета тахририятлари ҳузурида «Ишчи муҳбирлар мактаблари» ташкил этишни жиддий равишда ўйлаб қўриш керак. Ишчи муҳбирларни газета фаолиятининг асослари, газета жанрларининг хусусиятлари, материал тўплаш жараёни, уни тартибга солиб, мақола ёзиш малағаси билан таништириш фойдалан холи эмас. Бундай машғулотлар пайтида ишчи муҳбирларнинг энг яхши материалларини таҳлил қилиб бериш ҳам ўқитишнинг самарали усули бўлиб қолади.

Келинг, шу ўринда Тошқент шаҳридаги кўп нухсали газеталар муҳаррирларининг кенгашида иштирок этишни ўйлаб қўрайлик. Бундай кенгаш фаолиятимизни мувофиқлаштириб боришга, «Давра сўхбатлари»ни мунтазам тус олдиришимизга, кўп нухсали газеталар муҳаррирлари ва ходимларининг маслаҳат-кенгашларини мунтазам тус олдиришимизга қўмақлашган бўлур эди. Уларда журналистларнинг ҳуқуқий маданияти ва этикаси, воқеаларнинг ҳаққоний ва ҳолисона ёритилиши учун масъулият, материалларнинг долзарблиғи ва ҳозиржавоблиғи каби долзарб масалалар кўриб чиқишнинг мумкин бўлур эди.

Бу учрашув ва кенгашларга йирик олимларни, мамлакатимиз журналистикасининг фахрийларини таклиф қилиш мумкин. Бу тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш хар жиҳатдан фойдали бўлади, албатта.

— Ҳадемай, энг улуг, энг азиз бўлашимиз — Муस्ताқиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаймиз. Индинга эса Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни байрам қилинади. Ана шу саналар муносабати билан қалам ахларига истакларингиз.

— Биз тарихий даврда яшаймоқдамиз. Муस्ताқиллигимизнинг тарихин қисқа ўн йили ичида амалга оширилган ишларимизга ҳамма тан бермоқда. Ишончимиз қомилки, эртанги кунимиз бундан-да ёруғ бўлади. Танлаган йўлимиз ҳақ йўл. Шундай экан кўпни қўштириб ўтириш мумкин эмас, муваффақият ўз-ўзиндан келмайди. Ватанимизнинг бахтли келажиги учун яшаш ва ишлаш — хар бир ижодкорнинг фахри бурчидир. Ана шу эзгу ниятни амалга оширишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига илҳом ва қўч-ғайрат ҳаммаша ёр бўлсин.

Сўхбатдош Хондамир СОЛИҲОВ

НАЗМ

ҚУТАОВ

Аҳли қалам, аҳли дил,
Фидойилик касбингиз.
Бу илм дарёсинда
Сарбаландиҳ расмингиз.
Қалам сизга тиг бўлди,
Тигдур ишқнинг байроғи.
Гулдан нафис қўнғингиз,
Гулнинг нафис япроғи.
Сиз бир буюк дарёсиз,
Сохиллари мунаввар.
Эрта сизнинг йўлингиздан,
Кетмоқлигим муқаррар.
Бир ёп-ёруғ кунларни,
Юртга олиб келгайсиз.
Ўн саккиз минг оламни,
Қалам билан олгайсиз.
Бугун шодлик онидир,
Бугун байрам беэавол.
Сизга улуг тоғлардек,
Тилайдурман бахт-иқбол.
Сиз бир буюк дарёсиз,
Сохиллари мунаввар.
Албат сизнинг
йўлингиздан,
Кетмоқлигим муқаррар.
Ботир РАМАЗОНОВ

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

1997 йили Ўзбекистон телевидениесида «Тошқент» телеканали фаолият бошлаган эди. Ҳўш, бугунги кунда телеканал орқали пойтахтимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янгилик ва хабарлар, ҳодисалар қайси кўрсатувларда ўз аксини топмоқда? Шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида биз «Тошқент» телеканалининг бош директори Неъмат САИДХОНОВга мурожаат этдик.

«Тошқент» телеканали кўрсатади

— Бизда ижодий иш жараёни матбуот ходимлариникидан бирмунча фарқ қилади. Биргина кўрсатувини тайёрлаш учун олти нафар ижодий ходим иштирок этиши керак. Чўнки бу жараёнларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу сабаб ҳам, гоҳида сценарийда зикр этилган воқеалар тўлалигича ёритилмай қолади. Шундай бўлса-да биз пойтахтимизда бўлаётган турли воқеаларни, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тезкорлик билан, ўз вақтида, жонли, таҳлилий тарзда телетомошабинлар эътиборига ҳавола этиб бормоқдамиз. Одатдаги ҳар йили махсус дастур асосида турли мавзуларда чиқувлар қиламиз. Бу йил ҳам Оналар ва болалар йилига бағишлаб

алоҳида кўрсатувлар тайёрлаб бормоқдамиз. «Саодат қалити», «Она меҳри», «Билиб қўйган яхши ёки аёллар учун», «Соғлом турмуш тарзи» каби кўрсатувларимиз шулар жумласидандир. Албатта, ушбу кўрсатувларимиз хар жиҳатдан пухта бўлиши учун телеканалимизда барча шароитлар мавжуд. Дарҳақиқат, бир қатор муаллифлик кўрсатувлари борки, уларда ҳам шаҳримиз туманларидаги маҳаллалар, мактаблар, турли ташкилотлар ва корхоналар фаолиятлари таҳлилий ва очик-ойдин ёритиб бориюмоқдамиз. Ана шундай кўрсатувларимиздан бири «Тошқент ва тошқентликлар учун» кўрсатувидир. Унда асосан қабул қилинаётган Президентимиз ва ҳуку-

матимиз Фармон ва қарорлари ижроси ва улар ҳақида ҳамшаҳарларимизнинг фикр ва мулоҳазалари, маҳалла-дошларимизнинг оилавий шароитлари, туманларда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, «Сўхбатдош», «Тиббиёт сиз учун», «Саховат» каби кўрсатувлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Муस्ताқиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб туркум кўрсатувлар бериб бораётимиз. Ушбу кўрсатувларда жамиятимиз харл ҳўжалиғи, маданияти ва санъат, халқ таълими, спорт, иқтисодиёт ва шу каби бошқа соҳаларда қўлга киритган ютуқлар кенг қамровида ёритиб бориюмоқдамиз. Келажакда ушбу кўрсатувларни янада оммабоп қилишга, эфир вақтини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мақсадимиз пойтахтимизда содир бўлаётган ўзгариш ва воқеаларни халқимизга ўз вақтида ёритиб бериш. Бу борада айниқса «Пойтахт» ахборот кўрсатуви ижодкорларининг хиссалари катта. Фурсатдан фойдаланиб барча оммавий ахборот воситалари ходимларини кутлуг ай-ёмлари билан муборакбод этамиз.

Очил ҲАЗРАТОВ

КўП НУСХАЛИ НАШРЛАР

Ишчиларнинг яқин ҳамроҳи

«Тракторсоз» — Тракторостроитель» кўп нухсали газетаси 37 йилдан бери Тошқент трактор заводи давлат хиссадорлик жамияти маъмуриятининг наشري, ишчиларнинг яқин ҳамроҳи ва маслаҳатчи сифатида ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Ўзбек ва рус тилларида чиқаётган газетамиз ижодий жамоаси учун ўтган йил баракали йил бўлди. Тошқент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши томонидан ўтказилган танловда кўп нухсали ўн олтинга газета орасида бизнинг газетамиз биринчи ўринни олди. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан белги-ланган муддат ичида 2000 дана трактор ишлаб чиқариш вазифаси қўйилганди. Тракторсозлар жорий йилнинг биринчи чорағиде минг дана трактор ишлаб чиқариб зиммадаги топшириқнинг ярмини шараф билан удалади. Бунда ишчиларни хар томонлама маънавий қўллаб-қувватлаган газетамизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ҳозир корхонамизда иш айнаи кизгин паллага кирган. Кундалик топшириқни бажариш хар бир ишчи ва хизматчининг асосий мақсадига айланган. Газета саҳифаларида ёритилаётган мақола, очерк ва хабарларда хиссадорлик жамиятининг нафаси фўриб турибди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иختирочилик таклифи, жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги техникаларни жорий этиш ҳамда дехқон-фермер хўжалиқлари учун яратилаётган замонавий машиналар ҳақидаги таклифларни тарғиб қилиш ёритилаётган мақолаларда ўз аксини топмоқда.

Корхонамиз ишчи ва хизматчиларининг ақсарияти шаҳарчамиз маҳаллаларида истикомат қилишади. Шунинг учун ҳам маҳалла кўмиталари билан муस्ताҳкам алоқа боғлаб, уларнинг олиб бораётган ишлари, маҳалла аҳли учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида газетамиз саҳифаларида мунтазам ёритиб бормоқдамиз. Шаҳарчамиз ҳудудида жойлашган мактабга чарбия муассасалари ҳамда ўқув максанларида ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб шаклланишига бағишлаб ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга ҳам газетамиз саҳифаларида кенг ўрин берилмоқда. Тахририят ходимларининг газета саҳифаларида ёритаётган мақолалари ранг-баранглиги ва сермазмунлиғи билан муштарийларга манзур бўляпти.

Кўп нухсали газетамиз бундан бўён ҳам ишчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлиб қолаверади.

Хусан БАРОТОВ,
«Тракторсоз» — «Тракторостроитель» газеталари бош муҳаррири ўринбосари.

Жалқаро ҳуқуқ вазибалари

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олиниши юртимизда халқаро ҳуқуқ фани устида илмий изланишлар олиб бориш учун имконият яратди. Халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистондаги вазибалари жуда катта ва серкирради.

Халқаро ҳуқуқнинг фуқаролик соҳасини ўрганиш шу кунларда биз учун жуда долзарбдир. Ваҳоланки, мустақил суверен давлат бўлганимиздан сўнг ўз фуқаролигимизга эга бўлдик. Мустақиллик ва фуқаролик бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқаролик соҳасидаги ички ва ташқи сиббат канчалик халқаро ҳуқуқ қоидалари ҳамда меъёрларини бузмаган ҳолда олиб бориш, шунчалик давлатдаги вазибат барқарорлашда ҳамда халқаро майдонда давлатнинг обрў-эълитори юксалиб боради.

Фарбий европалик айрим муаллифлар фуқаролик моҳиятини «Мазлум категорияга мансуб шахсларнинг давлат ҳаётида иштирокини таъминловчи конституциявий тартиб» деб белгилайдилар (бир вақтинчи ўзида ҳам ҳуқуқ ҳам мажбурият). Тушунчанинг маъзи — «сиёсий ҳамжамиятнинг оммавий ишлари ва ҳаётида иштирок этиш, шунингдек қўшимча ҳуқуқлар — бу: эркин кўчиб юриш, виждон, сўз ва йиғилиш эркинлигидир».

Шу билан бирга, Фарбий Европа ҳуқуқ таълимотида жисмоний шахснинг давлатда дахлдорлигини белгилаш учун тури иборалардан фойдаланилади. Масалан, «citizenship» (фуқаролик) ўрнига Европа Иттифоқида аъзо мамлакатларда айнан «миллий мансублик» деб тарҳима қилиш мумкин бўлган «nationality» (денгиз ёки ҳаво кemasининг миллий мансублигига ўхшаш) ибораси тарқалган. Бундан ташқари, Европанинг (Дания, Буюк Британия, Бельгия ва шу каби) қўлгина мамлакатларининг ҳуқуқий назарияларида фуқароликнинг халқаро ва давлат ички ҳуқуқий тушунчалари бир-бирдан фарқланиб, уларнинг биринчисида шахснинг давлатга тобелиги назарда тутилса, иккинчисида ушбу тобелик асосида шахснинг давлат олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмура деб тушунилади.

Фуқароликнинг икки вазибаси бор. Бир жиҳатдан у давлатнинг аҳоли таркибини назорат этиш ва шахсга нисбатан ўз ҳуқуқий вазибаларини адо этишга, яъни ўз фуқароларини дипломатик ҳимоя қилишига имкон беради. Иккинчи жиҳатдан фуқароликка, шахс нуктаи назардан, унинг асосий инсоний ҳуқуқларини тан олиш деб қаралиши керак.

Халқаро ва давлат ҳуқуқиде шахснинг ҳуқуқий ҳолатининг асоси фуқаролик ҳисобланади. Фуқароларни давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқа бирлаштиради. Узаро

ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳар бир давлат қонунларида белгиланган бўлади. Фуқаролар муайян ҳуқуқларга эга бўладилар ва ўз давлатларига нисбатан мажбуриятлар оладилар, давлат эса уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ўз ҳудудида ва чет элда ҳимоясини таъминлайди. Давлат ўз фуқароларига чет элликларга нисбатан кенгроқ ҳуқуқлар беради.

Давлатлар томонидан фуқаролик масалаларини тартибга солиш ички ва халқаро ҳуқуқ ёрдамида амалга оширилади.

Биринчи мақсадни амалга ошириш учун, равшанки, давлат ташкил этилган вақтда у ё фуқароларнинг бирламчи гуруҳини аниқлаш ёки фуқаролик олиш қоидаларини ўрнатish йўли билан фуқаролик бериш чегараларини белгилаб қўйиши мумкин. Аммо бу масалада давлатнинг ваколати анчагина кенг бўлса-да, бечегаро эмас. Бу бир-бирини инкор этувчи мақсадлар қандай қовушиши мумкин? Шахс нуктаи назардан, таъкидлаб ўтиш кераки, Иккинчи жаҳон урушидан бери Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа ҳужжатларда ёзиб қўйилганидек, фуқаролик олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлигини тан олдириш йўлида кўп харақат қилинди.

Юқорида айтилганидек, иккинчи жаҳон урушидан кейин айрим халқаро ҳужжатларда фуқаролик олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида тан олинган эди. 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 15-моддасида бундай дейилади: «1. Ҳар бир киши фуқаролик энг муҳим бўлган ҳуқуқларидан бири ҳамда шахснинг ҳар қандай давлатнинг ичида ва халқаро муносабатдаги ҳуқуқий ҳолатининг асоси ҳисобланади. Фақат фуқаролик востидигина макон ва замонда алоҳида да шахс ва давлат ўртасида мустаҳкам ва барқарор сиёсий-ҳуқуқий алоқа пайдо бўлади. Бу эса индивид ва давлатга уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини беради.

С. ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги Давлат
ва жамяят қурилиши
академияси тингловчиси.

ФЕСТИВАЛЛАР «Замин юлдузлари» порлайди

Шаҳримизнинг энг чиройли, сўлим масканларидан бўлиши Сайилгоҳ кўчасида катта тантанани «Замин юлдузлари» шоу-фестивали бўлиб ўтади. Унда тангил спортчилар, эстрада юлдузлари, чет эллик машҳур хонанда ва киноактёрлар иштирок этадилар.

Ушбу катта шоу-фестивалнинг Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида ўтказилиши бежиз эмас, — дейди «Замин» студиясининг раҳбари Саъдулла Абдуллаев. — Истиқлол туғилган, овоз ва обод ўр фарзанди бўлганимиз сабаблигина мана шундай катта шоу-фестиваллар Ўзбекистонимизда ҳам ўтказилмоқда. Чет элларда бўлиб ўтадиган, спорт ва санъат байрами сифатида ўтказиладиган шоу-фестивалларни эшитиб ҳавас қилардик. Мана, 1998 йилдан бери ўтказилиб келинаётган «Замин юлдузлари» шоу-фестивалида энг тангил спортчилар, эстрада юлдузлари, катор чет эллик машҳур хонанда ва киноактёрлар иштирок этиб, она-юртимиз, мустақил Ўзбекистонимиз, унинг тангил санъаткорлари машҳур спортчилари борлиги ҳақида хабардор бўлмоқдалар. Ҳозирги кунларда катта ташкилоти ишлари кетяпти. Шоу-фестивални ўтказишдан мақсадимиз: санъат ва спорт ҳаммаши бирга, бир-бири билан уйғунлашиб кетганини кўрсатиш, жаҳонда бўлаётган шу соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиш, чет эллик тангил, машҳур кино юлдузларини тақлиф қилиб ўзаро дўстликни, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Мана бу йил Интернет бўйича шоу-фестивал ҳақида хабар бердик. МДХ ва хориж давлатларидан телефон кўнгороқлари бўлиб, фестивалга қаерда ўтиши ҳақида сўрашяпти, қатнашиш истагини билдиришяпти, биз бундан жуда хурсандимиз. Анганга содиқ қолиб бир катор энг машҳур кино юлдузларини, хонандаларини тақлиф қилганмиз.

Байрам сўнгиде она-заминимизнинг энг кўзга кўринган, халқ эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлган санъат ва спорт юлдузларига «Замин» мукофотлари тақдим этилади. «Замин юлдузлари»нинг ранго-ранг, бежирим чироқлари ўзгача тароват билан 29-30 июнь кунлари порлайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТАНЛОВЛАР Санъат даражасига етказиб...

Шаҳримизнинг Мирзо Ҳўбўбек туманида икки босқич бўйича уч йўналишда ўтказилган танловда тумандаги 19 нафар иқтидорли сартарош узаро беллашди. Биринчи босқичда улар аёллар ва эркеклар учун ҳар кунлик соч турмакларини мохирона, янги-янги усулларда бажаришган бўлса, иккинчи босқичда маросимлар, байрамлар, тўю томшалар ва бошқа тадбирлар учун турли соч турмакларини мароминда да зиёда қилиб ижро этишди.

— Ешим 15 да, — дейди энг ёш иштирокчилардан бири Баҳодир Пулатов. — Танловда иштирок этишимнинг ўзи мен учун катта бахт. Чунки ҳали ёшман. Бундай танловларда ҳали кўп бора иштирок этман. Бу танлов эса мен учун ўзига

хос бир мактаб бўлиб қолади. — Уттиз уч йилдан бун сартарошлик касби бўйича хизмат қилман. Бу касбини ҳам санъатнинг ноёб бир турларидан ҳисобласам муболага бўлмас. Чунки агар сиз иқтидорли бўлсангиз бу касбини ҳеч қачон муккамал эгаллай олмайсиз. Сартарошликни санъат даражасига кўтариш учун иқтидор ва меҳнат керак, — дейди халқаро сартарошлар устаси, Ўзбекистон сартарошлар жамоаси бош мураббийси Акмал Йўлдошев. — Ана шу кўрик-танловларнинг натижаси ўлароқ Марказий Осиёда ўтказилаётган кўрик-танловларда республикамиз жамоаси фахрлий уринларини эгаллаб келмоқда. Мақсад ҳам шу ўсиб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш.

Одил ХАСАНОВ

Оқ халатлилар беллашдилар

Республика Онкология илмий маркази ҳамшираларининг Ўзбекистон Миллий университетини маданият саройидаги ўтказилган ҳамширалар кўрик-танловида уларнинг зукорлиги, билимдонлиги, намунали хизмати, чақонлиги синовдан ўтказилди. Кўрик-танловда 7 та ширинзабон ва беоморларга меҳр улашаётган ҳамшира 5 та шарт бўйича беллашди. Булар амалда жорий этилган дори-дармонларни қандай қўллаш, биринчи тез ёрдам ҳақида, ҳар соҳадан бир шингил, амалиёт соҳаси бўйича, пандалик санъати, меҳмон қутиш, дастурхон безаш, миллий урф-одатлар ва эркин мавзулардан иборат эди.

Мана, ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб қелди. Ким биринчи ўринни оларкин? Нуфузли хакимлар ҳайати ушбу кўрик-танловда ўзининг ширин каломини, донолигини, зукко ва билимдонлигини ҳамширалар ишдаги маҳоратини намойиш эта олган, Онкология илмий маркази амалий бўлим ҳамшираси Холита Муллаҳмедова биринчи ўринга лойиқ топилганини эълон қилганида зал оқиллардан ларзага келди.

Фолиба Холита Муллаҳмедова шахар кўрик-танловиға йўлланма олди, биз томошабон ва ҳамкасблардан меҳрини қозонган зукко хамшираға омадлар тилаймиз.

Турсунжўжа АЗЛАРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
телерадиокомпанияси фахрий
лар Кенгаши аъзоси.

ТАЪЛИМ Грант маблағи ҳисобиде

Ўзбекистон фан ва техника Давлат қўмитаси гранти бўйича маркетинг соҳасида ҳам кенг кўламли изланишлар олиб боришмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтининг «маркетинг» кафедраси тадқиқотлари учун ҳам маблағлар ажратилди.

Кафедра мудири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими, профессор Собир Салимов раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқотлар ҳам катта иқтисодий самара берди. Бу илмий изланишлар билимининг иқтисодий назарий, макро-иқтисод, менежмент, маркетинг йўналишида табалалар учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ



(Давоми).

«Кўрқут ота» китоби дастлабки пайтларда Куёшга, оловга мадҳия — ҳамду сано шаклидаги термалар, кўшиқлар сифатида тузилган, деб ўйланади.

Кейинчалик эса улар бирлашиб, термалар, бахиларнинг маҳорати билан достонга айлантирилган.

Авлоддан-авлодга ўтган сайин бу достон теранлашган, ҳаётий тушунчалар билан бойиган ва халқ озаки ижодидаги ахлоқий-маърифий қомусга айлана борган.

У то ёзма адабиётнинг мулкига айланганга қадар жуда кўп тахрирлар, ўзгаришларни бошидан кечирган, мазмунан кенгайган, бадий жиҳатдан сайқаллашган.

Менинг назаримда, баъзи етиб келган ва ҳозирда мавжуд бўлган, озарбайжон ва туркман халқларининг озаки ижодиға мансуб, деб ҳисобланаётган «Кўрқут ота» китоби «Авестонинг элдан элга, тилдан тилга, замондан замонга ўтиб, замонамизға яқин даврларда асл мазмун-моҳиятидан йириклашган ва янгилиб кетган бир вариантдир.

Еки бошқача қилиб айтганда, «Авесто» Ота Кўрқут китобининг донишмандлар, кочилар томонидан сайқалланган ва ёзма адабиёт тилига — сочма ҳикмат зарраларидан қўйма олгин ҳолға келтирилган шаклидир.

Чунки халқ озаки ижодининг шох асарларидан бири «Гўрғули» достони бугун биз билган вариантига нисбатан ёш жиҳатидан «Авесто»дан кесакордир.

Бу гапни ишонч билан айтишимиз учун қувват бераётган битта тахмин шундаки, Гўрғулининг исми кейинчалик достончилар томонидан қўйилганидек «Гўрда», яъни, қабрда туғилган бола» маънодан эмас, балки Оловнинг ўғли — Кўрнинг ўғли, деган тушунчадан келиб чиққан.

Демак, у Оловнинг фарзандидир. Ҳатто, бугунги кунда озарбайжон тилида ҳам у Кўрғули шаклида ишлатилади ва мазмунини изохсиз қолаверади.

Шу ўринда биз эҳтимол ҳаёлимға келди. Балки, юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Гераклнинг хамиртуриши ҳам Гўрғулидан олинадир.

Оханга эътибор берайлик: Гўрғули — Гўрғуил — Геракл... якин-а?!

Нихоят, барча халқларнинг тарихий таърибасида бўлганидек, халқ озаки ижоди ёзма адабиётға пойдевор сифатида хизмат қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ниҳоят бундан уч минг, балки, тўрт минг йиллар бурун ота-боболаримиз ўша давр маданиятининг чўққисига чиққан, сўғорилдиган деҳқончиликни мукамал ўлаштириб, шахарлар парто этиб, хунармандчиликни, санъатини, маданиятини тараккий этдиришининг қулай имконини яратқан, ўз-ўзидан ўтрок халқнинг маънавий-маърифий, ахлоқий қомусини яратиш эҳтиёжи туғилган.

Шу тариқа неча минг йиллик таърибаларини ўзида жамлаган «Авесто» қозғоға туша бошлаган.

Албатта, у ишлов берилган мол терисига битилган ҳолда қутилган даражадаги қадр топмаслиги мумкин эди.

Шунинг учун уни илоҳийлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлган.

Ана шу тахминлардан келиб чиқиб, шунга айтиш мумкинки, «Авесто»да «Хваризм» шаклида битилган, кейинчалик олимлар томонидан «Хвар» сўзи қадимий форсийдаги қўбш, «зам» эса ерни билдирган ва иккаласининг қўшилишидан келиб чиққан, деган илмий ҳулосаларнинг пайдо бўлишиға асос қўлиб қўрсатилади.

Менинг назаримда эса «Хоразм» сўзи ярим форсийлашган тарзда «Кўри азим», яъни Катта гулхан, Бош гулхан, Асосий оташгоҳ мазмунларидан келиб чиққан.

Савол сўраладикки, «кўр» сўзи туркийча бўлса, «азим» сўзи форсий ибора-ку, улар қандай бирлашиб қолдикин?

Гап шундаки, ахмонийлар «Кўр» сўзини ўзларининг талаффузида ифодалашган ва унга «азим» сўзини қўшибган.

Шундан кейин келган юнонлар эса бу сўзини форсийлардан ўлаштиришган.

Форслар ва юнонлар босқинлари оқибатида Хоразм воҳаси ҳам, Урта Осиёдаги бошқа давлатлар ҳам қаттиқ вайронгарчиликка учраган.

Энг катта шахарлар ва муҳташам кўрғонлар, саройлар аташлараслиқнинг маскани сифатида Александр Македонский даврида хароботга айлантирилган.

Нега мен «кўр» сўзига бунчалик ёпишиб олдим? Гап шундаки, туркий тиллардаги сўзлар баъза ҳаволир каби яратилганидек ўзининг аслини йўқотмай келган. У бошқа тилда, бошқа оҳангда айтилиши, бошқа тилларнинг қўшимчалари билан қўшилиши мумкин.

Лекин қалб гулханига қалаб, қўшимчалариде тозаласангиз, ўзининг аслиға қайтиб, бошланч маъносини ифодалаб бераверасиз.

Хусусан, «кўр» ўзи ҳам бугунги кунда «юраниннинг кўри борми?», «калбининг кўрини бахш этди» сингари ибораларда асл моҳияти билан ишлатиб келинмоқда.

Ҳатто, «кўрлаш» сўзи ҳам бирор кимсани оловдан, иссиқдан бебаҳра этиш билан боғлиқ, деб тушунаман.

Бугунги кунда қозоқ қардошларимиз «кўр» сўзини жамағарга маъносиде кенг миқосда қўллашяпти, ҳатто, унинг зиммасига «хазина» мазмунини юқлашяпти.

Зеро, олов, харорат чиндан ҳам хазина. Қалбиде кўри бор инсоннинг орияти бўлади, шижоати бўлади.

Қолаверса, қадимий оташқадларнинг жойлашган манзилларининг номи ҳам «Кўрғон» — кўр, олов сақланадиган жойдир.

Агар гапни шу тарзда давом эттирадиган бўлсак, гаплати бир янгиликка дуч келамиз. Форсийдаги «хона» сўзи «Кўрғон»нинг иккинчи қисмидан асалган бўлиб чиқади.

Албатта, бу ўзгариш ҳўнгина кечмаган. «Кўрғон» сўзи бора-бора «кўрхона»ға айланган ва унинг иккинчи қисми энди ҳали маъносини ўзида ақс эттирадиган, мустақил сўз бўлиб, истеъмолға кирган.



ЎЗ — 2001 Пойтахтимиздаги 288-мактаб қошида ташкил этилган «Камалак» оромгоҳида 100 дан зиёд болалар дам олмоқда. Улар учун бу ерда турли тўғараклар ташкил этилган. Болаларни қизиқарли саёхатлар ҳам кутмоқда. Равиля Альбеков олган суратлар.

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЕВАНДЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ КУНИ

Умр кушандаси

Маълумки, бугунги кунға келиб гиевандлик — нафақат умр заволи, балки инсон ҳаётининг кушандасидир. Шунинг учун ҳам асарнинг энг муҳидиш иллатларидан бири бўлиши гиевандлик ва «Оқ ажал» уруғини етиштириш олди-сотдисиға қарши кураш кунг миқдасида олиб борилаётир.

Ташкент шахар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда гиевандликка қарши курашни кенг миқдасида давом эттирмоқда, — дейди Ташкент шахар ИИББ наркотрафик ва гиевандлик моддаларининг қонунчи айланлиши қарши кураш бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Домир Абдустанов. — Биз доимий равишда наркотик моддаларни

гайриқонуний етиштириш, сотиш, сақлаш, олиб ўтказиш каби жиноятларни фош қилишға қаратилган амалий, махсус ва оғоҳлантирувчи тадбирларни ўтказиб бораемиз. Айни пайтда «Тўсиқ», «Қорадори — 2001» номили тадбирлар давом этаётир. Бу ерда шунга айтиш кераки, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида Ташкент шахар ИИББ ходимлари бошқа хизматлар жонкуярлари билан ҳамкорликда наркотик моддаларнинг пойтахтимизға олиб келиш, со-

Туркменистон Республикаси фуқароси О. Ю. Собир Раҳимов тумани ҳудудида қўлга олинди. Дастанлиқ сурштирувда аниқланишча, юқоридаги оғуфрушлар бу оқ ажални Тошкентга сотиш учун олиб келишган. Мана шу ўшандадан наркотик моддалар орасида энг кўп ўчрайдиған героин бўлмоқда. Январдан май ойигаҗа 24 килограммдан ортиқ героин, 19 килограмм марихуна, опий, гашиш каби гиеванд моддалар ушлаб қолинди ва тортиб олинди.

Албатта, оғу инсонни охири боши берк қўчаға етакласа-да ундан воз кечиш ўрниға, ўзларини оқ ажал гирдобига урадиган, шу нарса билан шуғулланиб пуршаймон бўладиган кишилар ҳам анчагина. Биз Тошкент шахар наркотик диспансерида гиевандлик касалиға чалинган бир бемор билан сўбатлашдик.

— Шу нарсаға берилиб, бор-йўлдан айрилдим. Даволаш ёғмада майда-чуйда нарсаларини, кейин ма-

